



КОМПАНИЯЛарнинг ЭКСПОРТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аширматов Рамз Рахимжонович
Тошкент Кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a25

Аннотация. Компанияларнинг экспорт салоҳиятини ошириш уларнинг фаолиятини кенгайтириш ва модернизация қилишининг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш экспортни молиялаштириш амалиётини тақомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Хорижий давлатлар амалиётида кенг қўлланилаётган экспортни молиялаштириш шакллари ва инструментларидан фойдаланиш Ўзбекистон компаниялари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Мақолада Ўзбекистон компанияларининг экспортини молиялаштириш амалиётини тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: компания, экспорт, молиялаштириш, кредит, факторинг, форфейтинг, валюта курси.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАКТИКЕ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЭКСПОРТА КОМПАНИЙ

Аширматов Рамз Рахимжонович
Независимый исследователь в международном
университете Кимё в Ташкенте

Аннотация. Повышение экспортного потенциала компаний является одним из обязательных условий расширения и модернизации их деятельности. В свою очередь, повышение их экспортного потенциала обуславливает необходимость совершенствования практике финансирования экспорта. Использование форм и инструментов финансирования экспорта, которые широко применяется в практике зарубежных стран, имеет важное практическое значение для компаний Узбекистана. В статье разработаны научные предложения, направленных на совершенствованию практике финансирования экспорта компаний Узбекистана.

Ключевые слова: компания, экспорт, финансирование, кредит, факторинг, форфейтинг, валютный курси.

WAYS TO IMPROVE THE EXPORT FINANCING PRACTICES OF COMPANIES

Ashirmatov Ramz Raximjonovich
Independent researcher at Kimyo international
University in Tashkent

Annotation. Increasing the export potential of companies is one of the prerequisites for expanding and modernizing their activities. In turn, increasing their export potential necessitates improving export financing practices. The use of forms and instruments of export financing, which are widely used in the practice of foreign countries, is of great practical importance for companies in Uzbekistan. The article develops scientific proposals aimed at improving the practice of financing exports of companies in Uzbekistan.

Key words: company, export, financing, credit, factoring, forfaiting, exchange rates.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга соглан ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантариш, ташқи бозорлар ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб этиш йўли билан келгуси 5 йилда мамлака экспортининг

ҳажмини 30 млрд. АҚШ долларига етказган ҳолда, хусусий секторнинг экспортдаги улшини 60 фоизга етказиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини тақомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6 500 тадан 15 000 тага, товарларнинг экспорт географиясини 115

тадан 150 тага етказиш мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса ўз навбатида, компанияларнинг экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Мавзууга оид адабиётлар шарҳи.

А.Глориозов ва Д.Михайловнинг хulosасига кўра, компанияларнинг экспорт ва импорт фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларнинг асосий турлари қўйидагилардир:

- тижорат рисклари;
- ишлаб чиқариш рисклари;
- операцион рисклар;
- икки томонлама ҳамкорлик риски;
- имзо риски;
- кредит риски;
- валюта риски;
- дефолт риски;
- ўтказма риски;
- молиявий рисклар;
- юридик рисклар [2].

А.Смирновнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг компаниялар экспортини кредитлаш амалиёти давлат томонидан молиявий қўллаб-куватланиши лозим ва бунда молиявий қўллаб-куватлашнинг экспорт кредитларини давлат томонидан кафолатлаш ва фоиз ставкаларини бонификация қилиш шаклларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади [3].

Г.Мокровнинг фикрига кўра, экспортни субсидиялашнинг уч асосий шакли мавжуд бўлиб (тўғридан-тўғри бериладиган субсидиялар, билвосита маҳсус субсидиялар ва комбинациялашган субсидиялар), уларни ўз вақтида ва тўғри қўллаш компанияларнинг экспортини ривожлантириша мухим ўрин тутади [4].

С.Короткова ва Ю.Ткач ўзларининг тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хulos қиладики, қишлоқ хўжалиги экспортини кредитлаш самарадорлигини таъминлашнинг зарур шарти бўлиб, тижорат банклари томонидан экспортни молиялаштириш мақсадида берилган кредитлар фоизининг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилиши (бонификация) ҳисобланади [5].

А.Гаврилов экспортни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатади:

- экспортни молиялаштириш давлат ва хусусий капитални ўзида мужассам этган тизимга асосланиши керак;

- ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш;

- экспортёрларни ахборот ва консалтинг қўллаб-куватлаш институтини яратиш;

- экспорт кредитларини суғурталаш агентлигини ташкил этиш;

- экспортёрларнинг транспорт харатларини субсидиялаш [6].

И.Алимардоновнинг фикрига кўра, кичик бизнес субъектларининг (шу жумладан, аграр соҳада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг) ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун уларнинг хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга ошириладиган тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўлашини жорий қилиш керак [7].

З.Бердиназаровнинг хulosасига кўра, “амалга оширилган узлуксиз девальвация сиёсати экспортнинг товар таркиблари бўйича ноэластиклик ҳолатларини юзага келтирган Хусусан, пахта толаси, хизматлар, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар, қора ва рангли металлар экспортининг девальвация таъсиридаги эластиклиги узоқ йиллар давомида 0,5 коэффициентдан паст даражада бўлган. 2014-2015 йилларда эса деярли барча товарлар таркиби ноэластиклик аҳамият касб этган. Экспорт ва импорт алоқаларининг милий валютанинг реал самарали алмашув курсига нисбатан эластиклиги ниҳоятда паст бўлиб, у таҳлил қилинаётган даврда 0,1 коэффициентдан 0,4 коэффициентгача диапозонда тебранган”[8].

Ф.Ахмедовнинг фикрича, инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши ташқи савдони молиялаштириш ҳажмининг 8,6 фоизга камайишига олиб келади; Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 1 фоизга ошиши эса ташқи савдони молиялаштириш даражасини 0,78 фоизга оширади [9].


Тадқиқот методологияси. Компанияларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш ва тартибга солиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Республикаизда компаниялар экспортини молиялаштириш жараёни давлат томонидан

фаол қўллаб-қувватланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тижорат банкларидан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда, амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 мил-

лион АҚШ долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этилади [10].

Сўнгги йилларда, экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларнинг самараси ўлароқ, мамлакатда экспорт ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон Республикасида экспортнинг ҳажми, млрд. АҚШ доллари

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, республикамизда экспортнинг ҳажми 2021-

2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.




2-расм. “Ўзбекнефтгаз” МХК экспортининг ҳажми, млрд. сўм

Манба: “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-расм маълумотларидан кўринадики, “Ўзбекнефтгаз” МХК экспортининг ҳажми 2021-2023 йилларда қисқариш тенденциясига

эга бўлган. Бу эса компаниянинг экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

MOLIYA VA SOLIQLAR



3-расм. “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, млн. АҚШ доллари

Манба: “Ўзкимёсаноат” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

З-расм маълумотларидан кўринадики, “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса компаниянинг экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда экспортни молиялаштиришда ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан кенг фойдаланилади.

1-жадвал АТ «А» банк томонидан компанияларнинг экспорти бўйича очилган аккредитивларнинг таркиби, фоизда

Аkkредитив шакли	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Қопланган аккредитивлар	33,1	29,4	26,3
Қопланмаган аккредитивлар	66,9	70,6	73,7
Аkkредитивлар жами	100,0	100,0	100,0

Изоҳ: ушбу маълумотлар банк сири бўлганлиги учун ушбу тижорат банкининг номини “” банк деб ўзгартиридик.

Манба: муаллиф томонидан Ипотекабанкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021-2023 йилларда АТ «А» банк томонидан компанияларнинг экспорти бўйича очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланган аккредитивларнинг салмоғи юқори бўлган. Бу эса компанияларнинг экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки қопланган аккредитивларда компанияга тегишли бўлган валюта маблағларнинг бир қисми унинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади.

Хулоса ва таклифлар. Илмий тадқиқот жараёнида компанияларнинг экспортини молиялаштириш амалиёти бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантиридик:

* тарақкий этган мамлакатлarda тижорат банкларининг компаниялар экспортини кредитлаш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг экспорт кредитларини давлат томонидан кафолатлаш ва

фоиз ставкаларини бонификация қилиш шаклларидан кенг фойдаланилади;

* экспортни субсидиялашнинг уч асосий шакли мавжуд бўлиб (тўғридан-тўғри бериладиган субсидиялар, билвосита маҳсус субсидиялар ва комбинациялашган субсидиялар), уларни ўз вақтида ва тўғри қўллаш компанияларнинг экспортини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади;

* республикамизда экспортнинг ҳажми 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

* “Ўзбекнефтгаз” МХК экспортининг ҳажми 2021-2023 йилларда қисқариш тенденциясига эга бўлганлиги унинг экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

* “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги

компаниянинг экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

* 2021-2023 йилларда республикамиз банклари томонидан компанияларнинг экспорти бўйича очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланган аккредитивларнинг салмоғини юқори бўлганлиги компанияларнинг экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамизда компанияларнинг экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:


1. Компанияларнинг экспортини молиялаштириш учун очилаётган хужжатлаштирилаётган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланмаган аккредитивларнинг салмоғини ошириш учун умумий пул оқими бўйича тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган компанияларга ушбу аккредитивларни очиш керак; иккинчидан, мазкур аккредитивлар

хорижий импортёр банкининг тўлов юзасидан бериладиган кафолатига асосланиши лозим.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан таклиф этилган услубиётга кўра, компанияларнинг умумий пул оқими бўйича тўловга қобиллиги пул оқимини жами қарзлар суммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва бунда тўловга қобилликнинг биринчи тоифасига мансуб бўлган компанияларда кўрсаткичнинг даражаси камида 0,75 га тенг бўлади.

2. Экспортчи компанияларнинг дебитор қарздорлигини айланиш тезлигини ошириш йўли билан уларнинг валютавий ликвидилигини таъминлаш мақсадида молиялаштиришнинг халқаро форфейтинг ва халқаро факторинг шаклларини амалиётга жорий қилиш лозим.

Ҳозирги даврда халқаро амалиётда экспортни молиялаштиришда кенг қўлланилаётган халқаро форфейтинг ва халқаро факторинг шакллари республикамиз амалиётида мавжуд эмас.



4-расм. Компаниялар экспортини халқаро форфейтинг орқали молиялаштириш тартиби

Операцияларнинг мазмуни:

1 – ташқи савдо шартномасини тузиш.

2 – экспортёр товарларни жўнатади.

3 – экспортёр товар ҳужжатлари ва траттани жўнатади.

4 – импортёр траттани акцептлаб экспортёрга жўнатади.

5 – экспортёр траттани ўзининг банкига сотади.

6 – экспортёрнинг банки траттани регресс ҳуқуқисиз сотиб олади.

7 – траттанинг муддати тугаганда, экспортёрнинг банки уни тўлов учун импортёрнинг банкига жўнатади.

8 – импортёрнинг банки траттани қабул қилиб олади.

9 – импортёрнинг банки траттани импортёрга узатади.

10 – импортёр траттани тўлаш учун тўлов топшириқномаси ёзади.

11 – импортёрнинг банки тўловни амалга оширади.

12 – импортёрнинг банки тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида экспортёрнинг банкини ёзма равишда хабардор қиласди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққёт стратегияси тўғрисида. //www.lex.uz.
2. Глориозов А.Г. Михайлов Д.М. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. С. 205-206 с.
3. Смирнов А.Л. Технологии экспортного финансирования. // Банковское дело. – М., 2012. № 4. С. 60-61.
4. Мокров Г.Г. Евразийский экономический союз: инструменты защиты внутреннего рынка от недобросовестной конкуренции. – М.: Проспект, 2018. С. 57.
5. Короткова С.Н., Ткач Ю.Б. Кредитование как одно из направлений финансирования сельского хозяйства в условиях членства в ВТО и санкций. // Материалы международной научно-практической конференции «Аюшиевские чтения. Финансово-кредитная система: опыт, проблемы, инновации» и др. – Иркутск: НИЦ «Апробация», 2016.
6. Гаврилов А.А. Совершенствование механизма финансирования экспорта в России. // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. – М., 2011. С. 39-48.
7. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услугий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Т., 2018. – 29 б.
8. Бердиназаров З.У. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Т., 2019. – 22 б.
9. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдоға хизмат кўрсатишини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – 19 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2021 й., 07/21/5268/0997-сон.



СОЛИҚ СОЛИШНИНГ КОМПАНИЯ ҚИЙМАТИГА ТАЪСИРИ

Кудияров Кишибай Раматуллаевич
Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси, PhD., доц.

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a26

Аннотация. Мазкур тадқиқотда солиқ солишининг компаниялар капитал тузилмасига таъсири кўриб чиқилган. Қарзнинг компаниялар рентабеллиги, активлар айланмаси ва компанияларнинг фаолият муддати ва солиқ солиши билан боғлиқлиги юзасидан назарий ва эмпирик ёндашувлар ўрганилган. Солиқлар воситасида компаниялар капитал тузилмасини тартибга солиши масалалари таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида тегишили хулосалар шакллантирилган.

Ключевые слова: компания, даромадлилик, левераж, капитал тузилмаси, қарз, хусусий капитал, солиқ солиши.

ВЛИЯНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НА СТОИМОСТЬ КОМПАНИИ

Кудияров Кишибай Раматуллаевич
научный сотрудник Каракалпакского государственного
университета, PhD, доцент

Аннотация. В данном исследовании рассматривается влияние налогообложения на структуру капитала компаний. Были изучены теоретические и эмпирические подходы относительно связи долга с прибыльностью компании, оборачиваемостью активов, жизненным циклом компании и налогообложением. Анализируются вопросы налогового регулирования структуры капитала компаний. В результате анализа сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: компания, рентабельность, левераж, структура капитала, долг, собственный капитал, налогообложение.

THE IMPACT OF TAXATION ON THE VALUE OF A COMPANY

Kudiyarov Kishibay Ramatullayevich
PhD., assoc. prof.
Researcher at Karakalpak State University

Abstract. This study examines the impact of taxation on the capital structure of companies. Theoretical and empirical approaches were studied regarding the relationship of debt with company profitability, asset turnover, company life cycle and taxation. The issues of tax regulation of the capital structure of companies are analyzed. As a result of the analysis, appropriate conclusions were drawn.

Keywords: company, profitability, leverage, capital structure, debt, equity, taxation.